

Самимий ва бегубор туйгулар билан адабиётимиз хазинасини бойитаётган адиблардан бири Йўлдош Сулаймондир. У 1935 йилда Кўконнинг Ойдинбулок кишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни битиргач, ёшлар етакчиси, муаллим бўлиб ишлаган. 1960 йилларга келиб Фаргона Давлат педагогика институтини тугатган. Шундан сўнг уч соҳада — мактабда, маданият ўчоқларида, рўзномаларда турли лавозимларда фаолият кўрсатган.

У Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Фаргона бўлимини ҳам бошқарган. Хозирги кунда эса «Адолат» рўзномасида масъул вазифани бан«аради. Унинг ижоди 50-йиллардан бошланган бўлиб, шу кунгача ўн бешдан ортиқ шеърий, насрий тўпламлари ҳамда «Субхидам» (1973), «Вафо» (1979) каби романлари чоп этилган.

Йўлдош Сулаймон аввало болалар шоири сифатида адабиётимиз кутлуг даргоҳига кириб келган. Унинг «Биз саёхатчилармиз», «Хамма хавас килади», «Раҳима-чи, ваҳимачи» каби шеърий мажмуалари, бегубор болалик, бегараз дўстлик, самимийлик, табиатга меҳр-муҳаббат туйгулари билан тўлиб тошгандир.

Йўлдош Сулаймон публитсист, очеркнавис ва хикоянавис сифатида ҳам баракали ижод қилиб келади. Унинг «Катта йўлга чиккунча», «Даъватингни эшитяпман, хаёт» (1967—1971) каби очерклари ва «Бокий умр» каби хужжатли қиссалари ўзининг бадиий пухталиги, хаётийлиги, эхтиросли хис-туйгуларга бойлиги билан ажралиб туради. Айниқса, адибнинг «Сен менинг куёшимсан» номли очерклар тўпламига кирган асарлари ўзининг тарихийлиги, реаллиги билан эътиборлидир. Унда асрлар мобайнида сув, эрк, ер, Ватан учун олиб борилган жангу жадаллар катнашчиси бўлган она халқ хақидаги самимий туйгулар китобхон қалбига чирок тутади.

Йўлдош Сулаймон қайси жанрда, қандай мавзуда ва ким учун ёзмасин, унинг ижод тажрибалари адибнинг «Субхидам» ва «Вафо» романларининг яратилишида бир маҳорат мактаби бўлиб хизмат этди, десак хато бўлмас. Шу жихатдан унинг ҳар икки романи адабиётимиз тараккиётида ҳам, ёзувчи ижодида ҳам сезиларли из қолдирди. Ҳар икки асарда ҳам юртимизнинг, халқимизнинг Октябр тўнтариши даври хаёти, кураши, қурбонлари, орзу-умидлари, интилишлари кенг жабҳада ифодасини топди. Хусусан, «Субхидам» романидаги воқеалар анча тирбанд, мураккаб, сюжет чизиги ҳам шунга яраша жиддий. Унда 20-йиллар ўлкамиздаги сиёсий-ижтимоий хаёт фонида икки севишганларнинг жудолик азобида, айрилиқда эзилиши, рухий драмалари умумлаштирилган. Ундаги бош қаҳрамон Қўлдошали мана шу ижтимоий кураш йилларида ўз севгилисига Саодатни йўқотиб қўяди. Қўлдошали душманлари эса Саодатни ўз бой отаси билан хорижга ўтиб кетган деб алдашади. Қўлдошали ҳам севиқли ёри дарди билан Афғонистонга ўтади. Ёзувчи Қўлдошалининг мусофирчиликда тортган азоб ва изтиробларини, ёр дардида қуйганлигини ишончли тасвирлайди. Қўлдошали мусофирчиликда бўлса ҳам ўз эли, юрти, она Ватани, ёрига бўлган муҳаббати ва садокатига содиқ қолиши вафо жиловини тута олганлигини кўрсатади.

Ҳамиша хушчакчак, чехрасидан табассум аримайдиган бегубор ва самимий қалбли адиб

хозирги кунда янги ижодий эжалар билан банд.